

КАСБЛАР АЛИФБОСИ
1-синф
Ўқитувчи

Билим олиб чинакам,
Ўрганамиз ҳарф, ракам.
Ҳаммага берар таълим,
Ўқитувчи - муаллим.

Хайдовчи

Машинада, поездда,
Трамвайда - темир изда
Зийрак, моҳир ҳайдовчи,
Ташир юк ва йўловчи.

Гулчи

Гулчи ҳар кун ёзу-қиши
қиласар гулни парвариш.
Байрамда-чи, бирпасда,
Тутар сизга гулдаста.

Ҳамшира

Даво олганда бемор
муолажалар даркор.
Чарчамас ишлаб сира,
Оқ халатли ҳамшира.

Кутубхоначи

Кутубхоначи опа
биз келсак китоб топар.
Илм олинг, ўқинг дер,
Ва билимдон бўлинг дер.

қурувчи

Сувоқчи, ғишт терувчи,
Томни ёпиб берувчи,
Кўп ишларни билувчи
Улар бари - қурувчи.

Деҳқон

Даласига олиб йўл,
Деҳқон кўзлар ҳосил мўл.
Ўз ишига у уста
Хирмон уяди кузда.

Тикувчи

Тикувчи кўп тер тўкар,
Тикувчи кўйлак тикар.
Юбка, шиму, камзулча,
Сарафан, халат, нимча.

Нонвой

Нонвой нонин ёпади,
Элда ҳурмат топади.
Ёзилганда дастурхон
кўйилади аввал нон.

Шифокор

Дард бор жойда дармон бор
Буни билар шифокор,
Шундан ким бўлса bemор
Тузатишга у тайёр.

Мусиқачи

Дутор, танбур, най ва соз
Оҳанглар ўзига хос.
Мусиқачи куй чалар,
Одамлар баҳра олар

Ҳарбий

Ҳарбийлар доим сергак,
Улар жасур, шерюрак.
Шаҳдам ташлаб қадамин
кўриқлашар Ватанин.

Спортчи

Бокс, кураш, шахмат, шашка

Яна кўп турлар бошқа.
Спортчилар куч синашар,
Ақл, соғлик бирлашар.

Пахтакор

Пахта очилган палла
Оппоқ бўлади дала.
Чигит қадаб ҳар баҳор
Ҳосил олар пахтакор.

Боғбон

Боғбон қадди бўлиб дол
Экар, суғорар ниҳол.
Мевага кирганда боғ
Боғбон қадди бўлар тоғ.

Архитектор

Архитектор чизади
Ўз режасин тузади,
сўнг қурилар бино, уй
Гўзал шаҳар чўзар бўй.

Тарбиячи

Тарбиянинг, албатта,
Вазифалари катта.
Болаларга парвона
Тарбиячи ҳам она.

Соатсоз

Вақтни ҳамма билсин, деб
Ишин ташкил қилсин, деб
Соат тўхтаса бир оз
Тузатади соатсоз.

Дурадгор

Дурадгор қоқади пол,
Ясар эшик, ром дарҳол.
Сўнг эса йўниб тахта
қилар зумда хонтахта.

Сотувчи

Сотувчи савдо қилар,
Муомалани билар.
Асосийси миннатдор
Бўлиб кетсин харидор.

Учувчи

Самолётдан учувчи,
Самоларни қучувчи
Пастлаб учиб, шундай дер:
Салом Ватан, она ер!

Рассом

Мана мато, мойбўёк,
Расмда чўл, боғу-роғ.
Ҳаётдан олиб илҳом
Уни тасвирлар рассом.

Ветеринар

Ветеринар ҳам дўхтири
У қелгач ташвиш йўқдир.
Жониворларни тузатар
Софайтириб кузатар.

Ўт ўчирувчи

Оловга ким келар бас,
Бу иш қийин, осонмас
Ўт ўчирувчи одам
Кулфатни енгар бардам.

Ошпаз

Палов, манти ва лағмон
Бунча шириндир таом
Овқат пиширса ошпаз
Кўриб қиласан ҳавас.

2-синф **Астроном**

Дурбиндан осмон томон
қараб сўзлар астроном
Юлдузларнинг буржини
Ёғдусининг кучини
Танир қараб бир бора
қайда қайси сайёра.

қандолатчи

қандолатчига раҳмат
Чарчамас қилиб хизмат.
Тайёрлар новвот, конфет
Маҳоратин кўриб кет.
Танла, нималар керак
Парварда, ҳолва, пашмак?

Космонавт

Ўзгандай кометадан
Самода ракетада
Ойни айланиб зир-зир
Учиб юрган фазогир.
Жуда кучли ҳамда мард
Ва билимли космонавт.

Сартарош

Сартарош сизга қарап
Сочларингизни тарап,
қиртишилаб сочни олар,
Баъзан ўйланиб қолар.
Ўйлар Сизларга керак,
қандай тусдаги турмак.

Ўрмончи

Ўрмончи учун фарзанд
Ўрмондаги ҳар дарахт
У билар ахир ўрмон
Соф ҳаво, дардга дармон.,
Тахта, елиму қофоз

Ва бойлиkdir бекиёс.

қўшиқчи

қўшиқчи айтар қўшиқ
Унга меҳрини қўшиб
кўшиқ киради дилга,
кўшиқ қўчади тилга.
Ҳамма уни куйлайди
Орзуларин ўйлайди.

Ёзувчи

Ёзувчи топар ғоя
Ёзилади ҳикоя.
Ёки ёзади қисса
қиссадан изланг ҳисса.
Гоҳида йиллаб ёзар
Роман - энг катта асар.

ғаввос

Кийими - қасбига мос
кутқарувчидир ғаввос.
Кечиктирмай бир дамни
сувга чўккан одамни
кутқаради бир зумда
Сергаклик кўпdir унда.

Зардўз

Иплари зар ва ипак
Дўппига тикар безак.
Кўрсанг яйраб кетар кўз
Шунаقا моҳир зардўз.
У тиккан нақшли кўйлак
Раққосаларга безак.

Кулол

Кулол излар соз тупрок
Идиш учун мос тупрок
Лойни пишитар роса
Зўр чиқсин кўза, коса

Идишлар қатор-қатор
Унда кулол меҳри бор.

Ипакчи

Ипакчи ипак олар
Пиллани сувга солар
Унга берилгач ишлов
Иплар ажралар дарров
Ипак ип ўрам-ўрам
Кўпайиб кетар бирам.

Стоматолог

Унинг асосий иши
Соғ кўриш сенинг тишинг
Тишларингни тузатар
Яна доим эслатар
Чақма тишларда ёнғоқ
Уларни тут тоза, соғ.

Капитан

қайтмас асло гапидан
Мард, билимли капитан
У кемани бошқарап
Кемададир бошқалар.
Кема шамолдан ўзар
Океан бўйлаб сузар.

Циркчи

Циркчи қувноқ ҳамиша
Циркда кўпдир томоша
Циркчилар, кимлар улар?
Ҳайвон ўргатувчилар.
Жонглёру, масҳарабоз
Акробат ёки дорбоз.

Суратчи

Олиб фотоаппарат
қилиб оддий ҳаракат

Суратчи сурат олар
У эсдаликка қолар.
Дейди: қилинглар дикқат
Чиройли чиқсин сурат.

Милиционер

Милиционер, жасур мард
Шундай бўлиши ҳам шарт
Учраса тартиббузар
Дарров йўлини тўсар.
Истар жанжалдан ҳоли
Тинч яшасин аҳоли.

ДАН ходими

ДАН бу автоназорат
Бўлмасин деб ҳалокат
ДАН ходими албатта
Ўтказар назоратдан
Ҳайдовчининг ҳужжатин
Машинанинг ҳолатин.

Уста

Асли этикдўз уста
Этик тикишга уста.
Дейди: қаранг, ошналар,
Тақ-туқ қилар пошналар.
Этик кичикми, катта
Бўлар аъло сифатда.

Лаборант

Илмий техник лаборант
Тайёрлайди препарат.
Зарур асбоб етказар,
Гоҳ тажриба ўтказар.
Таҳлилларни қиласи.
Шунча нарса билади.

Токар

қанча кўз нурин тўкар

Иши битгунча токар.
Хатто бир митти детал
Кўп меҳнат талаб этар.
Кичкинагина жисм
Асбобда зарур қисм.

Почтачи

Бир оз фурсат ичида
Ўтиб таниш кчадан
Почтачи хат элтади
Ишларни ҳал этади.
Тезроқ олсин дер ҳамма,
Газета, телеграмма.

Раққос

Ўз ишин севган раққос
Юртда топади эъзоз.
Янграса ўйин куйи
Рақс тушар меҳр қўйиб.
Унинг рақсию, наво
Беради дам ва даво.

Сухандон

Телевизордан ҳар он
Сўзлай бошлар сухандон
Нутқи гўзал ва равон
Шундай сўзлар сухандон
Томошибин узмас кўз
қолиб кетмас бирор сўз.

Тракторчи

У ҳайдайди трактор
Трактор нега керақдир?
Темир арава тиркаб
Улар тушишар йўлга,
Сўнгра ташишар бирга.
Турли юкни манзилга.

Чўпон

Чўпон қўйни бокади,
Бу иш унга ёқади.
Отарини тоғларга,
Жуда узоқ ёқларга,
Олиб боради қирга,
Дала, яшил адирга.

З-синф Котиба

Котибанинг кўп иши:
Кимнинг бўлса юмуши
У раҳбарга етказар,
Ва рўйхатдан ўтказар
Жиринглайди телефон,
Факс келади шу замон.
Ҳамма билан у доим
Сўзлашади мулойим.

Электрчи

Бўлмай қолса агар ток
Ҳаммада кайфият йўқ.
Музлатгич ҳам музламас
Радио ҳам сўзламас.
Электрчи келгач аммо
қолмайди ҳеч муаммо.
Нуқсонлар тузатилар,
Ток симдан узатилар.

Дастурчи

Дастурчи дастур тузар,
Дастурлар дунё кезар.
Ҳар соҳада одамга
Дастур келар ёрдамга.
Дастурларнинг кўп тури
Таълим бериш дастури
Текширувчи ҳам улар,
Ё таржимон дастурлар

Бўёқчи

Ишлаб кетгач бўёқчи
қани хонангга боқчи
Эшик, ромлар оқ бўёқ.
Бунча ёруғ ҳаммаёқ.
Деворлар нафис, пушти
Нигоҳим полга тушди.
Гўё ойнадай қаранг
Пол чиройли, жигарранг.

Пайвандчи

Пайвандчи иш билан банд
Темирни қилар пайванд:
Газ ва сув қувурларни,
Темирли сўриларни.
У ясаган панжара
Чиройлидир қанчалар.
У ўрнатган дарвоза
Чидамли, пишиқ роса.

Стюардесса

Самолёт маликаси,
Унинг гўзал бекаси
Йўловчиларга ҳар вақт
Осмонда қилар хизмат.
Келтиради тушлик, сув
Хушмуомала жуда у.
Манзилга етган замон
қиласи буни эълон.

Фермер

Фермерлар ҳам тадбиркор
Уларнинг фермаси бор.
Товуқ, йилқи, мол ферма
Жонзотлар гўё терма.
Фермер ғамлаши керак
Барига дон-дун, ҳашак.
Бузилмаса қоида
Ишлар бўлар жойида.

Банкир

Банкир банқда ишлайди,
У хисобни хушлайди.
Кредит, лизинг ва фоиз,
Жойида бўлмоқ жоиз.
Фойда келтирас пуллар.
Муомалада бўлар.
Банкирларда доим тахт
Шартнома, барча ҳужжат.

Официант

Ресторану кафеда,
Ишлар тирбанддир жуда.
Мижозларга официант
Хизмат қилиш билан банд.
Хоҳиш - истагига хос
Овқат буюрас мижоз.
Официант елиб юрас,
Буюртма тайёр бўлар.

Ганжкор

Гўзаллик таратувчи
Нақшларни яратувчи,
Ганжкор ишига уста
Нақшлари нафис тусда.
Ёғочга ўйилади,
Деворга қўйилади.
Ганжни кўргач албатта
Ҳамма тушар ҳайратга.

Судья

Судья ҳар бир ҳолатда
Дейди: Куч адолатда
Ҳақли бўлганда даво
Жиноят олар жазо.
Сўзлар айбдор, терговчи
Гувоҳ билан оқловчи.
Сўнг судья ишни ёпар
Адолат қарор топар.

Шахтёр

Шахтачи шахтасида
Үз меңнат вахтасида
Болғаси ишлар зир-зир
қазиб чиқарар күмир
У ортилиб вагонга
Кетар турли томонга
шахтёр ишлайдиган ер
Ер ости-чуқур туннель.

Геолог

Геолог маъдан излар
Уни топишни қўзлар.
Кезар адир-тоғларни,
қадам етмас ёқларни.
Сиз биларсиз хойнаҳой
Юртимиз конларга бой.
Олтину, мис, нефть ва газ
Булар ҳаммаси эмас.

Метро ҳайдовчиси

Метронинг ҳайдовчиси
Унинг қўп йўловчиси
Бекат-хақиқий сарой
Ер остидан олган жой.
Йўллар эса темир из.
Ундан чопқиллар поезд.
Илдам юрар олдинга
Вақти тенгдир олтинга.

Журналист

Маҳоратли журналист
Маълумотни жуда тез
қиласи бизга ҳавола
Ёзар қизиқ мақола
Репортаж олиб борар
Дунёга довруғ солар
Гоҳ катта, коҳо кичик

Етказади янгилик.

Дирижёр

Оркестрни қилиб жўр
Бошқаради дирижёр
Нотададир дикқати
Унинг ҳар ҳаракати.
Ниманидир англатар,
Турли оҳанг янгратар
Оҳанглари баланд-паст
Куйнинг сехри қилар маст.

Метро ходими

Метро ходими хушёр
Метронинг тартиби бор.
Бўлмасин хавфли ҳолат
Шуни қиласи назорат.
Дер бирор ташвиш топманг,
Эскалатордан чопманг.
Чизикдан ўтманг тағин,
Поездга келманг яқин.

Телефон оператори

Ким мухтоҷ маълумотга
09 тушар ёдга.
Рақамларни терасиз,
Саволларни берасиз.
Оператордан шу тоб
Оласиз зарур жавоб.
Берар телефон рақам
Зарур маълумотни ҳам.

Бичувчи

Тикилиш учун қўйлак
У бичилиши керак.
Бичувчи келса дарров
Олади сиздан ўлчов
қайчи унинг қўлида
Юрар чизик йўлидан

Бичим бўлса сизга мос.
қилмагайсиз эътиroz.

Модельер

Модельер танлар мода,
Модалар кўпdir жуда,
Турли услубларга мос,
Танлар, яратар либос.
Ишлатиб билим кучин,
Ўқиши учун, иш учун,
Болаларга, қизларга
Мода чизар бизларга.

Самолётсоз

Касбидан топиб эъзоз
Ишлайди самолётсоз.
Катта, улкан самолёт
Заводда қилинган бут.
қисмлардан йифилган.
Махкамланиб чиқилган.
Самолёт қилса парвоз
қувонар самолётсоз.

Режиссер

кўйилса сахна асар
Кино ишланса агар
Энг асосий одам бор
Бу кишидир режиссёр
Асарни олиб қўлга,
Артистни танлар ролга.
Кино кўйилгунча то
Ишлар ўтказмай хато.

Гиламдўз

Гиламига йўқдир сўз
Меҳнаткашдир гиламдўз.
Бир уюмдир ип ўрам
Ранг-баранг улар бирам.
Бу ипларга бериб ранг.

Гиламни тўқир таранг.
Гиламлар қалин, ҳоли
Бирор нуқсондан ҳоли.

Мисгар

Не қилар дерсиз мисгар,
қараб турсангиз агар,
У мисдан ясар фактат,
Идишлар, зеби-зийнат.
Мана кўза, мана хум
Тинмай ишлайди бир зум.
Бу хунар ўзига хос
Аждодлардан у мерос.

Геодезист

Гео-сўз маъноси ер
Геодезиячи дер:
Ер шаклу шамойилин
Ўрганиш бу ҳам илм.
қайга борсак биз дарров
Оламиз ердан ўлчов.
Аввал режа тузамиз
Кейин чизма чизамиз.
қоғозда чизик, расм
Будир ернинг чизмаси.

4-синф

Радиобошловчи

Радио мурватин бур
Энди бир оз тинглаб кўр
Келар ёқимли овоз
Сўзларида эҳтирос.
Хоҳ ёз бўлсин, ёки қиши
Бошланар эшиттириш.
Радио бошловчиси
Кўнгиллар хушловчиси
Сўзлар турли мавзуда
Бари маъноли жуда.
қархисида микрофон,
Уни тинглайди жаҳон.

Аптекачи

Аптекачи-фармацевт
кўлингда бўлса рецепт
Беради дориларни
Ва дармондориларни
Керак бўлса маслаҳат
Дейди келинг, марҳамат
Мана кукун ва малҳам.
Суюқ, қаттиқ дори ҳам.
Бу балғамни пиширар,
Бу иссиқни туширар,
Бундан оғриқ қолади,
Бу кўп дардни олади.

Метереолог

Метереолог билар
Об-ҳаво қандай бўлар.
Балки ёмғир ёғади,
Ёки чақмоқ чақади,
Дўл ёғарми, ёки қор
Балки кўчки хавфи бор
У беради ахборот
Зарур барча маълумот
Даладаги дехқонга,
Ҳайдовчига, посбонга,
Тоғдаги чўпонларга,
Ва барча инсонларга.

Сантехник

Уйимиз бизга ёқар
Кранни бур, сувлар оқар,
Аммо бузилганда кран
Хафа бўламиз бирдан.
Ёки тешилса қувур
Бу ҳам анча ёмондир.
Кимга берайлик дарак
Бизга сантехник керак.
У келар шошиб шу тоб.

күлида зарур асбоб
Кранларни тузатар у
Мана буранг келар сув.

Археолог

қадимийдир бизнинг ер
Тарихи миллиардлаб йил.
Ерда ҳар қарич тупроқ
қанча сирлардан огоҳ.
Археолог-шундай зот
Ўтмишда қандай ҳаёт
Бўлганин билмоқ учун
Сарф қиласар бутун кучин.
Ер қазилгач у топар
қалъа ҳаттоки шаҳар.
Ўргангач гўё бунёд
Бўлар қадимий ҳаёт.

Экскурсиячи

Туристлар бўлса меҳмон
Йўл олса шаҳар томон
Уларга бўлар ҳар чоғ
Билимли инсон ҳамроҳ.
Экскурсиячи - гид,
Унда юксак билим-дид.
Шаҳар бўйлаб бошлайди,
Сўзлар секин, шошмайди.
Ким берса бирор савол
Жавоб топар bemalol.
Тарих, ҳозирги замон
Бўлар зумда намоён.

Сут соғувчи

Сут соғувчи сут соғар
Сут дарё бўлиб оқар.
Аввал челакка тўлар
Бидонлар керак бўлар.
Сўнгра ортилиб бари
Йўл олар манзил сари.

Машиналарда кетар
Ҳаммамизга ҳам етар.
қатиқ ивир токчада,
Бўтқа пишар боғчада.
Бўлар сузма, сариёғ
Сепараторда қаймок.

Музей ходими

Айтсам касбнинг номини
Оддий музей ходими
Агар ўйлаб қаралса
Музейдаги ҳар нарса
Ходимга қадрлидир.
Бари қимматли, нодир.
Ҳар буюм турли-туман,
Унда акс этар Ватан,
Ёки унинг парчаси
Экспонатнинг барчаси
Авайланар сакланар
қўлёзмалар тахланар.

Агроном

Жуда шарафли бу ном
Агроном бу агроном.
Билар қай иқлим, тупроқ
қайси навга яхшироқ
Мўл бўлиш учун ҳосил
Синаб кўрар кўп усул.
Ҳатто унумсиз тупроқ
У билан экин, боғ-роғ.
Яна қиласар эътибор.
Касалланмасин нихол.
Ўсимлик шифокори,
Ўсишга мададкори.

Авточилангар

Урилса автоулов
Ким керак бўлар дарров
Шундай ҳал бўлса агар

Зарур авточилангар.
Машинани ростлар у,
Пачоқ жойин созлар у,
Пайвандланар темирлар
Үтказилар таъмирлар.
Сепилгач унга бўёқ
Кўрганлар ҳам дейди оҳ.
Бунча чиройли ранги
Машина гўё янги.

Асаларичи

қаранг, ялангликда бор
Уйчалар қатор-қатор.
Борсангиз улар томон
Асаларилар ғужғон.
Юзига ниқоб тақиб,
Ариларини боқиб,
Кетар асаларичи,
Шу ишга сарфлар кучин.
Гоҳ айланиб чиқади,
Гоҳо асал йиғади.
Сизга юборар асал
Дейди : бўлманглар касал.

Нозимхона ходими

Шамолдек учган поезд
Троллейбус ё автобус.
Трамвай йўналиш олган
барин тартибга солган.
Кимдир, айтинг отини
Нозимхона ходими.
қатновни у одатда
Ушлайди назоратда.
Ҳар қатновни албатта
Белгилайди рўйхатди.
Йўналишда бирор ҳол
Бўлса эшитар дархол.

Кинолог

Кинолог бу ким ўзи?
Биласиз ўқиб сўзим
У итларни ўрганар
Ва машқларга ўргатар.
Хиддан изни олишга,
Душманга чанг солишга,
Бўлишга зийрак соқчи
Чегарада пойлоқчи.
Овни чаққон тутишга
Тўсиқлардан ўтишга
Кўп ҳолларда одамга
Келиш учун ёрдамга.

Психолог

Инсоннинг аҳволини
Рухияти, ҳолини
Ўрганади руҳшунос
Саволлари шунга мос
Руҳингиз тушган маҳал
Муаммони қилар ҳал
Гарчи қийин вазият
Дейди: чекманг азият
Ўтказади тест синов
Ва шунга қараб дарров
Тузатишга киришар
Мақсадига эришар.

Темирчи

Оддий темирни олиб
Уни шаклга солиб
Темирчи ясар кетмон
Бу иш эмасдир осон
Темирга берар ишлов
Босқондан чиқар олов.
Чўғдай қизийди кетмон
Ишга тушади сандон
Шу усулда албатта
Ясалар теша, болта
Яна нима зарурроқ?

Белкурак билан ўроқ.

Бухгалтер

Үзинг бир ўйлаб топ-чи
Нима қилар ҳисобчи?
Саволимда бор жавоб
У қилар ҳисоб-китоб
Ойлик маош, мукофот
Барига бор ҳисобот.
Олинган солиқ микдор
Нафақа ҳам унда бор.
Ҳисоботни олади,
Компьютерга солади.
Ҳисоб сизга ҳавола
Яна борми саволлар?

Ландшафт дизайнери

Ландшафт не? Ўйлаб қара,
Бир хил ер бу, манзара.
Бир хилликни безай дер
Шу соҳада дизайнер.
Рассом сезгиси, ҳамда
Юксак дид бордир унда.
Бинога бўлсин монанд,
Майдонда кўкат, дарахт.
Нақшдек экилган гуллар
Гўзал тус ҳосил қилар.
Энг оддий кўримсиз жой
У бўлса очар чирой.

Ҳайкалтарош

Тошларни қилиб тарош
Ишлайди ҳайкалтарош.
У билан бирга-бирга
Тошлар киради тилга.
Мана сервикор, баланд
Улкан ҳайкал ростлар қад.
Гўё жонланар сиймо,
қанот ёзган тош хумо.

Кўзларида ифода
Топар орзу, ирома.
Тайёр бўлганда ҳайкал,
Унга берилар сайқал.

Чавандоз

Энг аввало чавандоз
Отини қилар эъзоз.
Бирор кун қолмас тиниб,
Машқ қилади от миниб.
Маҳорат ҳам албатта,
Пайдо бўлар меҳнатда.
Кўпкарини у кутар
Мусобақада ютар.
Чавандоз шуни билар
Кимда ким меҳнат қилар,
Шунга яраша мудом
Топар обрў, эҳтиром.

Брокер

Брокер аслида даллол,
Мижоз бўлсин миннатдор
Дея елиб югуран.
Кўп ишларга улгурар.
Ишнинг кўзин билади.
Олди-сотди қилади.
Тузар битим-шартнома
Кўл бўлар тома-тома.
Унинг бир номи-маклер
Ишлар ҳалол тўкиб тер.
Шартномага эришар
Икки томон келишар.

Зоолог

Ҳайвонот дунёси кенг,
Турлари анчага тенг.
Зоолог шундай одам,
Ўрганар тинмай ҳар дам.
қушларни, ҳайвонотни

Үргимчақ, ҳашоратни.
Тузилишу турларин
Ривожланиш сирларин.
қай иқлимга мослигин
Ва ўзига хослигин.
Билар кўплаб ҳайвонот
Оламидан маълумот.

Этнолог

Сувлар кўпдек уммонда
Одам кўпдир жаҳонда.
Улар халққа бирлашган,
Халқ халқ билан тиллашган.
Этнолог бу халқшунос.
Этник бирликларга хос
Урфидан қатъий назар,
Ўхшашликни ўрганар.
Ўрганади қайси халқ
Тарихи нимада фарқ.
Тарих сахнида қай вақт,
Йўқолган қайси элат.

Балиқчи

Балиқчи фурсат кутар
Балиқчи балиқ тутар.
Балиқ тутиш вақти бор
Бунга берар эътибор.
Ташлар қармоқ ёки тўр
Ов бўлиши учун зўр.
Излар балиқ кўп жойни
Дарё, кўл ёки сойни.
қайиқда дарё кезар
Яхши ов жойни сезар.
Тўрга тушса агар ов
қайиққа солар дарров.

Ихтиолог

Балиқлар турин қиёс
қиласди балиқшунос.

Үтказади тадқиқот
Йиғар күплаб маълумот.
Барин ҳулоса қилар
Балиқлар ҳақда билар.
Энг ноёб турларини
Ҳаракат сирларини.
Сув салтанати ичра.
қайдың түри учрар
қайга йўналар тўда.
Ва қайдан сузуб ўтар.

Бастакор

кўшикка куй яратиб,
Кўнгилларни яйратиб
Ишлар доим бастакор.
Унинг куви бетакрор.
Сўзга наво басталар.
Гўёки гулдасталар,
кўшиқлар пайдо бўлар
Дилларга ёқар улар
Кимки эшитса қўшиқ
Бирдан кетади жўшиб.
кўшиқ ёзди қанот
Кўнгилларни этар шод.

Кавсар Турдиева